

УДК 619.616.61724.8.559.59

Г.Х.Мамадуллаев, А.Т.Рахимов,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ҚОРАМОЛЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИ ВА БОШҚА БАКТЕРИАЛ ЭТИОЛОГИЯЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ УСУЛИ

Аннотация

В статье представлена научная разработка по профилактике и санации организма условно здорового поголовья при помощи препарата ЭТИС-2 в неблагополучных по туберкулёзу фермах крупного рогатого скота.

Взаимная комбинация компонентов препарата ЭТИС-2 обуславливает образования синергетического и пролонгирующего эффекта. В результате применения данного способа позволил сократить сроки оздоровления неблагополучных по туберкулёзу ферм от 3-4 лет до 9 месяцев и профилактировать условно здоровое поголовье скота. Кроме того, при помощи препарата ЭТИС-2 эффективно вылечено 1156 голов животных от болезней органов зрения, дыхания, гинекологических и хирургических болезней бактериальной этиологии.

Ключевые слова: ЭТИС-2, синергизм, пролонгация, комбинация, микобактерия, туберкулёз, *M.bovis*, *M.humanis*, бактериология, аллергия, антимикроб, персистенция, диагностика.

Қорамоллар туберкулёзига қарши қурашиш амалдаги йўриқномага мувофиқ насллилиги, ёши, бўғозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар касаллик аниқланган молларни бартараф қилиб боришга ва дезинфекция тадбирлари олиб боришга қаратилган. Туберкулёз аниқланган хўжаликларда режа асосида алергик-диагностик текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (2-3 ой оралиғи билан) ижобий реакция берган моллар йўқ қилиб борилади. Бу жараён узок давом этиши ва бу даврда кўплаб маҳсулдор моллар йўқотилиши мумкин.

Масалан, баҳоси ўртача 12-15 млн сўмлик, тирик вазни 600-700 кг бўлган ва бир кунда 30-40 литр сут берадиган насли соғин сигирда туберкулёз касаллиги аниқланса, "Ветеринария қонунчилиги" (Тошкент 1998) га мувофиқ 15 кун ичида гўштга топширилиши шарт. Касаллик юққан сигирнинг ички паренхиматоз аъзоларида туберкулёзга хос ўзгаришлар ҳосил бўлган бўлса, унинг ички аъзолари қуйдириб юборилади, гўшти қайнатилиб, колбаса цехига юборилади. Гўштда ҳам туберкулёзга хос ўзгаришлар аниқланса, молнинг гавдаси тўлик ёкиб юборилади, утилизация қилинади.

Қорамоллар туберкулёзига қарши қурашиш учун мустақилликдан аввалги даврда тубазид (изониазид) препарати ёрдамида химиопрофилактика қилиш услуби кенг жорий этилган эди. Жумладан, бу услуб республикамиз чорвачилик хўжаликларида ҳам кенг тadbик этилди ва препарат тонналаб келтирилди. Туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш учун тубазид препарати оммавий қўлланилди. Ушбу тадбирлар Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (Наставление по химиопрофилактике туберкулёза крупного рогатого скота с помощью тубазид (изониазида) Ташкент-1985) йўриқнома асосида тadbик этилди. Бир бош молга 10 мг/кг дозада препарат оғиз орқали едирилар эди. Тубазид препарати билан химиопрофилактика қилиш услуби ёрдамида туберкулёз бўйича кўплаб носоғлом

Summary

The article provides scientific development for the prevention and rehabilitation of the body of healthy livestock using the drug ETIS-2 in disadvantaged tuberculosis in cattle farms.

Mutual combination of components of the drug ETIS-2 leads to the formation of synergistic and prolonged effect. As a result of this process will shorten recovery disadvantaged tuberculosis farms from 3-4 years to 9 months and prevented heads of healthy livestock. In addition, with the help of the drug ETIS-2 effectively cured 1156 heads of animals from diseases of eye, respiratory, gynecological and surgical diseases of bacterial etiology.

Key words: ETIS-2, synergy, prolongation, combination, mycobacterium, tuberculosis, *M.bovis*, *M.humanis*, bacteriological, allergy, against microbes, persistency, diagnosis.

хўжаликлар соғломлаштирилди. Касаллик келтирадиган қатта иқтисодий зарарнинг олди олинди.

Аммо бу услубнинг ўзига хос камчиликлари бор эди. Йўриқномага мувофиқ препарат ҳар бир молга 45 кун давомида оғиз орқали едирилар ва бир ой танаффусдан сўнг яна шунча муддатга берилар эди. Бу эса, ўз навбатида, жуда кўп меҳнат ва вақт талаб этарди. Баъзан препарат молларга эркин ҳолда охурларга бериб едирилган. Бундай шароитда баъзи моллар препарат қабул қила олмаса, баъзилари кўп миқдорда истеъмол қилиб юборар эди. Натижада моллар орасида препаратдан заҳарланиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Бундан ташқари препаратни едириш жараёнида ветеринария мутахассислари, чўпонлар ҳамда моллар турли травматик жароҳатлар олишар эди.

Ушбу муаммоларга барҳам бериш мақсадида ВИТИ туберкулёзни ўрганиш лабораторияси олимлари томонидан химиопрофилактиканинг инъекцион варианты ишлаб чиқилди. Бунга мувофиқ, туберкулёзга қарши фармакопоя дориворлардан ташкил топган комплекс ЭТИС-2 препарати ишлаб чиқилди. Туберкулёз инфекцияси ривожланиш жараёнида организмда авитаминоз ривожланишини ҳисобга олиб, препаратга шакл берувчи элемент сифатида витаминли ўсимлик мойи қўлланилди. Препарат молларга инъекция қилиниб, ис-талган вақт ва муддатда керакли дозани хайвон организмга юбориш имконияти яратилди.

Дастлаб препарат тайёрлашнинг технологик регламенти ишлаб чиқилди. Туберкулёз кўзгатувчилари юктирилган лаборатория хайвонлари организмда препаратнинг касалликдан химоя қилиш самараси, оптимал қўллаш дозалари, интервали ва давомийлиги, хўжалик шароитида қорамолларда касалликларни даволаш самарадорлиги аниқланди.

"Хайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши қураш чора-тадбирлари" бўйича Йўриқномада подада қолган шартли соғлом моллар организмни санация қилиш, муҳофаза қилиш кўзда тутилмаган.

Тақдим этилаётган ушбу илмий ишланма подада қолган шартли соғлом мол организмни санация қилишга қаратилган.

Препарат таркиби - тиббиётда туберкулёз билан касалланган одамларни даволаш учун қўлланиладиган дориворлар: изониазид-стрептомицин, сульфат-димедрол ва витаминли ўсимлик мойи комплексидан тузилган.

ЭТИС-2 препарати хайвонлар туберкулёзига қарши курашиш ва олдини олиш воситаси бўлиб, унинг таркибига кирувчи компонентлар кенг доирали антими-кроб таъсирга эга, фармакокинетикаси туберкулёз микобактериялари, грамманфий (ичак таёкчалари, салмонеллалар, клебсиеллалар, туляремия ва б.ш.) ва баъзи граммусбат (стафилакокклар, пневмококклар, стрептококклар) микроорганизмларга бактерицид ва бактериостатик таъсир кўрсатади.

Препарат таркибидagi тривит ёки тетравит мойи адъювант ролини бажаради ва узоқ муддат давомиди (30 кунгача) организмга секин сўрилиб, пролонгация хусусиятини беради.

Изониазид (тубазид) препарати организмда хужайра ичида ва ташкарида миграция қилаётган туберкулёз микобактерияларининг ташки мембранаси структурасини бузиш хусусиятига эга ва туберкулёз таёкчалари нуклеотидлари билан бирикади. Хужайра мембранаси бузилган касаллик кўзгатувчисининг цитоплазмасига стрептомицин сульфат препарати осонлик билан киради ва махсус оксил рецепторларидаги рибосомаларнинг 30 S суббирлиги билан бирикади. Бу полирибосомаларнинг бузилиши ва ДНК дефектига олиб келади.

Димедрол препарати организмда антигистамин-десенсибилизацияловчи ва маҳаллий яллиғланиш ҳамда некроз жараёнини олдини олади.

Парентерал (тери остига) юборилган препаратнинг инъекция жойида депо ҳосил бўлиб, секин сўрилади ва организмда 15-20 кундан сўнг максимал тўпланади, 30 кунгача сақланади.

ЭТИС-2 таркибига кирувчи компонентларнинг ўзаро комбинацияси – унинг бошқа туберкулостатикларга нисбатан афзаллигини ҳосил қилди. Бундай **комбинация синергетик** (бир дори таъсирини иккинчиси кучайтириши) ва **пролонгация** (дорининг таъсир муддатини узайтириши) самарасини берди. ЭТИС-2 препарати ёрдамида химиофилактика қилиш услуби натижасида хўжаликларда инфекцияни бартараф қилиш муддатлари кескин қисқарди ва кўплаб шартли соғлом молни касалликдан асраб қолишга эришилди.

Амалдаги “Йўриқнома”га мувофиқ туберкулёздан соғломлаштириш учун камида 3-4 йил вақт сарфланади. ЭТИС-2 препарати қўллаш усули орқали носоғлом фермани 9 ой муддат ичида соғломлаштириш мумкин.

Препарат хайвонларнинг бўйин қисмига, қурак-елка бўғинидан 10-15 см олд томонига ёки тўшлик қисмига тери остига юборилади. ЭТИС-2 нинг бир марта эмлаш дозаси хайвонларнинг тирик вазнига кўра ҳар 100 кг вазнга 5 мл ҳисобида юборилади. Тирик вазни 400 кг ва ундан юқори молларга 18-20 мл дан ортик юбориш мумкин эмас. Препаратни қўллаш муддати 3-4 ой бўлиб, ҳар 20 кун оралиғи билан 6 марта инъекция қилинади. I-II ва IV-V инъекциялар бўйин териси остидан, III ва VI инъекциялар тўшлик қисмига тери остига юборилади. Туберкулёз бўйича эпизоотик вазиятга кўра кейинги инъекцияларни ҳар ойда бир марта ўтказиш мумкин.

Организм учун препарат томонидан номутаносиб таъсир кузатилмайди. Антисептик ёки бошқа нейтралловчи дори воситаларга эҳтиёж йўқ.

Препаратнинг оптимал эмлаш дозаларини қабул қилган хайвонлардан олинган гўшт ва сут маҳсулотларини чекловсиз истеъмолга чиқариш мумкин.

ЭТИС-2 препаратини қўллаш орқали Тошкент вилоятининг Чиноз, Зангиота, Қибрай ва бошқа туманлари чорвачилик фермаларида кўплаб қорамол туберкулёздан муҳофаза қилинди. Шу билан бир қаторда аҳоли қарамоғидаги қорамоллар, айниқса, одамлар орасида туберкулёзнинг қорамол тури тарқалишининг олди олинди.

Шунингдек, мазкур препарат ёрдамида бактериал этиологияли (колибактериоз, салмонеллез, пастереллез, лептоспироз) кўз касалликлари, нафас олиш аъзолари, гинекологик ва жарроҳлик касалликлари муваффақиятли даволанди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туберкулёзнинг МБТ Bovis – қорамол турида препаратларга резистентлик учрамайди, чунки бу тур туберкулостатик дориворлар билан контактда бўлмаган.

МБТ Humanis – одамлар организмда касаллик чакирувчи турида туберкулостатикларга резистентлик кузатилади. Бунга сабаб узоқ йиллар давомиди айрим ҳолатларда туберкулостатикларни (изониазид препарати 1952 йилда яратилган) нораціонал қўлланилиши оқибатида резистентлик пайдо бўлган.

ЭТИС-2 препарати таркибига кирувчи дориворларнинг турли микроорганизмларга таъсирини инобатга олиб, препаратни ҳар хил турдаги юкумли ва юкумсиз касалликларни даволаш самарадорлиги ишлаб чиқариш шароитида ўрганилди.

Нафас олиш аъзолари касалликларини даволаш. Хўжалик фермасида бузоқлар гуруҳида 32 бош бузоқда нафас олиш аъзолари касаллиги аниқланди. Бузоқларни ЭТИС-2 препарати ёрдамида даволаш учун дастлаб ташки ва ички нomaқбул этиологик таъсиротларга барҳам берилди. Бузоқларни сақлашнинг оптимал зоогигиеник меъёрлари яратилди. Озуқа рацони бойитилди. Кузги мавсум иклимига мувофиқ ҳар 2 кунда 1 марта тери остидан 5 мл/100 кг вазн ҳисобида барча бузоқлар ЭТИС-2 препарати билан инъекция қилинди.

3-инъекциядан сўнг бузоқларнинг ахволи сезиларли яхшиланди. ЭТИС-2 препаратининг инъекция курси тўлиқ ўтгач, барча бузоқлар соғайиб кетди.

Факат бир бош бузоқда касаллик жараёни чуқурлашиб кетганлиги сабабли (сурункали йирингли пневмония) нобуд бўлди. Бузоқларни даволаш даврида кўшимча симптоматик дориворлардан фойдаланилмади.

Гинекологик касалликларни даволаш. Хўжалик фермасида сигирларни касалликдан даволаш учун дастлаб бачадон бўшлиғи ёт моддалардан тозаланди. 1:1000 нисбатда марганцовка эритмасида ювиб олинди. Сўнг бачадон бўшлиғига ҳар бир сигирга 20 мл ЭТИС-2 препарати шприц катетор ёрдамида юборилди. Бу процедура 5-6 кун ичида 2-3 марта такрорланди. Сигирнинг умумий ахволига кўра бошқа консерватив даволаш муолажалари қилинди. Бўйин териси остидан 5 мл/100 кг дозада ЭТИС-2 препарати юборилди. Натижада барча сигирлар касалликдан 100 % даволанди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш шароитидаги кузатувларимизга кўра профилактик мақсадда ЭТИС-2 препарати қабул қилган сигирларда бўғозлик даврида бачадондаги бузоқнинг нормал ривожланиши кузатилди ва бузоқлар соғлом, ҳаракатчан бўлиб туғилди.

Ҳар хил шаклдаги (катарал, зардобли, йирингли) мастит касалликларини даволаш учун ЭТИС-2 препарати қўйидагича қўлланилди. Бунинг учун касалланган елин бўлмаси соғиб ташланди, шприц-катетор ёрдамида сут цистернасидаги Экссудат сўриб олинди ва елин бўлмасига 10-15 мл микдорда ЭТИС-2 препарати

шприц-катетор ёрдамида жўнатилди. Маститни даволаш самарадорлигини ошириш учун эндотоксинлардан организмни тозалаш мақсадида 40-60 МЕ дозада мускул ичига окситоцин препарати юборилди. Ҳайвоннинг физиологик ҳолатига мувофиқ 10% кальций хлор эритмаси 150-200 мл дозада вена орқали юборилди. Бу процедура 5 кун ичида 2-3 марта такрорланди. Даволашнинг бу схемаси 100% самара берди.

Чорвачилик фермаларида баъзан қорамолларда 1-2 турдаги витаминлар етишмаслиги сабабли полигиповитаминозлар учрайди ва яққол клиник белгилар кузатилади. Шунинг учун ЭТИС-2 препарати қўлланилган чорвачилик фермаларида авитаминоз ва гиповитаминозларнинг ҳам олди олинди. Чунки ЭТИС-2 препарати таркибида 2-3 хил витамин мавжуд.

Кўз касалликларини даволаш. Хўжалик сут товар фермаси бузқонасида полнинг нотекислиги ва сифатсиз механик тозалаш туфайли бино ичида аммиак ва микдори ошиб кетганлиги сабаб бузқокларда кўз касалликлари - блефарит, кератит ва кератоконъюнктивит касалликлари аниқланди. Бузқокларни даволаш учун саклаш жойи ўзгартирилди ва оптимал зоогигиеник шароит яратилди. Озиқлантириш рацionali кучайтирилди.

Бузқокларни даволаш учун конъюнктив ахлатасига 3-4 томчи ЭТИС-2 препарати ҳар куни 1 марта томирилди. 2-3 марта препарат томирилгандан сўнг бузқоклар 100% даволанди. Заруратга кўра ЭТИС-2 инъекция ҳам қилинди.

Механик жароҳат туфайли 3-4 бош сигирнинг бир томон кўзи шишган, бириктирувчи тўқима қобиғи ги-

перемияга учраган, қон қуйилган, йирингли зардоб оқиб турибди. Сигирнинг кўзини даволаш учун кўз конъюнктив ахлатаси 3% бор кислотаси билан ювилди, сўнг 5-6 томчи ЭТИС-2 суспензияси томирилди. 3-4 марта ишлов берилгандан сўнг сигирларнинг кўзи 100% даволанди.

Жарроҳлик касалликларини даволаш. Чорвачилик фермаларида турли хил механик-травматик жароҳатлар учраб туради ва бу чорвадорларга муаммо туғдиради. Механик жароҳат локализацияланган жойда турли стафилококклар, стрептококклар ва бошқа бактериялар ривожланади, натижада ҳайвон танасида йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади.

Абсцесс, флегмона каби жароҳатларни ЭТИС-2 препаратини қўллаш ёрдамида даволаш процедуралари ўтказилди. Жумладан, сигирлар, отларда елка ва сон соҳасида жойлашадиган абсцесс, флегмоналар ЭТИС-2 препаратини қўллаш орқали муваффақиятли даволанди.

Бунинг учун жароҳат жойидаги экссудат, секвестр ва некрозга учраган тўқима жарроҳлик усулида механик тозаланди, жароҳат бўшлиғига дренаж ёрдамида ЭТИС-2 препарати қўлланилди.

Тадқиқот ишлари шунинг кўрсатдики, ЭТИС-2 препарати жарроҳлик касалликларини даволашда юқори терапевтик ва антисептик самара берди, касал ҳайвонларда 2-3 кун ичида грануляцион тўқима ўсиши, жароҳат битиши кузатилади.

Ветеринария мутахассислари амалиётида турли доривор воситаларни қўллаш натижасида қўл териси ёрилади ёки айрим дориларни қўллаш жараёнида қўл терисига

Жадвал.

ЭТИС-2 препарати қўллаш усули жорий этилган хўжаликлар рўйхати

№	Вилоят номи	Туман номи	Хўжалик номи	Муддати, йил	мол бош сони	Касаллик номи	Даволаш самарадорлиги %
1	Тошкент	Чиноз	“Эшон-Обод”	2004	32	Бронхит, бронхопневмония	80-100
2	Тошкент	Чиноз	“Олмазор”	2004	36	Кератит, кератоконъюнктивит, блефарит	90-100
3	Тошкент	Чиноз	“Барака”	2005	2	Отлар абсцесс ва флегмонаси	100
4	Наманган	Янги-қўрғон	“Неъматов Т” номли ш/х	2005	56	Нафас олиш ва кўз касалликлари	80-100
5	Наманган	Наманган		2005	72	Нафас олиш, жарроҳлик ва кўз касалликлари	80-90
6	Тошкент	Зангиота	“Ўзбекистон”	2005	60	кўз касалликлари	100
7	Тошкент	Зангиота	“Ўзбекистон”	2005	612	Авитаминозлар профилактикаси	100
8	Тошкент	Зангиота	“Милк Агро”	2010	20	Бронхит, бронхопневмония	100
9	Тошкент	Зангиота	“Эъзоз Чорвадор”	2012-2013	26	Гинекологик касалликлар	80
10	Тошкент	Қибрай	“Ҳатол барака нур”	2012-2013	20	Кўз, жарроҳлик касалликлари	80-100
11	Тошкент	Зангиота	“Бахрўз”	2012-2013	220	Қоли –салмонеллез, кўз ва нафас олиш аъзолари касалликлари	80-100
12	Тошкент	Қибрай	ЎзҚҚҲЧМ комбинати фермаси	2013-2014	78	Туберкулёз	Соғломлаштирилди

Жами 1156 бош қорамол даволанди, 78 бош мол касалликдан асраб қолинди.

ёпишган ранг осонлик билан ювилиб кетмайди. Ушбу ҳолатларда ҳам ЭТИС-2 препарати суспензияси билан 1-2 марта ишлов бериш қўл териси ёрилишини даволайди, қўлларда ўтириб қолган бўёқ доғларини ҳам осонлик билан тозалайди.

Хулоса

Шундай қилиб, ЭТИС-2 препарати ёрдамида даволаш муолажаларини ветеринария амалиётига тадбиқ этиш ижобий натижалар беради. Шунинг учун ЭТИС-2 препарати ёрдамида ҳайвонлар туберкулёзига қарши кураш ва профилактика қилишда, шунингдек, айрим бактериал этиологияли касалликларни даволашда қўллаш юқори самара беради ва уни келажакда ветеринария амалиётига кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур илмий ишнинг тақдим этилишини асословчи илмий-техник ҳужжатлар:

1. Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-

2. препаратини амалиётда қўллаш бўйича вақтинчалик Йўриқнома. / Ўз Р. ҚХСВ ҳузуридаги ДВББ томонидан 2005 й. 2 ноябрда тасдиқланган.

2. Ҳайвонлар силлига қарши препарат.. / Дастлабки Патент № IDP 05363, 2002.26.08.

3. Қорамоллар силлини кимёвий-маҳсус профилактика қилиш услуби. / Дастлабки Патент № IDP 05026, 2002.07.01.

4. Ҳайвонлар силлига қарши препарат. / Патент № IAP 03205, 13.10.2006

5. «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини тайёрлаш ва назорат қилиш бўйича» қўлланма. / Давлат ветеринария бошқармаси ҳузуридаги илмий-техник кенгаши томонидан тасдиқланган, Тошкент 2009 й.

6. «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини», Техник Шартлар TSh 46.21-619-19:2009

7. «Комплексный препарат для профилактики туберкулёза животных». / Ўзбекистон Республикаси ин-

теллектуал мулк агентлиги, Талабнома рақами № IAP 20130194.

8. ТАШКИЛОТНИНГ СТАНДАРТИ «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препарати», ўзбек ва рус тилида. / Ўз.Р. ҚХСВ Давлат ветеринария Бош бошқармаси ҳузуридаги Илмий техник кенгаши томонидан 2013 й. тасдиқланган.

9. ТАШКИЛОТНИНГ СТАНДАРТИ «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препарати», ўзбек ва рус тилида UZSTANDART AGENTLIGI SAMARKAND SMB RUYXATGA OLINDI № 164/000748 12.12.2013 й.

10. Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2 препаратини қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА (ўзбек ва рус тилларида). / Республика Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2014 йил 12 апрелда тасдиқланган, Мажлис баёни № 55. Тошкент, 2014 й.

АССОЦИИРОВАННЫЕ ИНФЕКЦИИ И ИХ ОТРИЦАТЕЛЬНАЯ РОЛЬ В ДИАГНОСТИКЕ И ПРОФИЛАКТИКЕ НЬЮКАСЛСКОЙ БОЛЕЗНИ ПТИЦ

Респираторные заболевания занимают одно из первых мест в инфекционной патологии птиц. Среди разных по этиологии инфекций наиболее распространёнными являются: инфекционный ларинготрахеит (ИЛТ), инфекционный бронхит кур (ИБК), Ньюкаслская болезнь (НБ), респираторный микоплазмоз, грипп птиц.

Несмотря на многолетние специфические профилактические мероприятия и борьбу с этими инфекциями, Ньюкаслская болезнь до сих пор угрожает промышленному и частному производству Узбекистана, которая проявляется в острых случаях поражением нервной системы, респираторных органов, желудочно-кишечного тракта и снижением яйценоскости у взрослого стада.

Ньюкаслская болезнь (псевдочума) птиц – остро протекающее и быстро распространяющееся заболевание, характеризующееся поражением органов дыхания, желудочно-кишечного тракта и центральной нервной системы, что вызывает массовый падеж птицы.

К заболеванию восприимчивы все домашние и дикие птицы отряда куриных (куры, цесарки, индейки, фазаны, павлины и др.)

Источником инфекции является больная птица и птица в инкубационном (скрытом) периоде болезни, который длится от трёх до семи дней, иногда до 10 дней. Такая птица выделяет вирус во внешнюю среду в основном с носовыми истечениями и помётом. Источниками возбудителя болезни могут быть также не обезвреженные птицепродукты и сырьё, полученное от больной птицы (яйца, мясо, пух, перо), загрязнённые выделениями больных птиц корма, вода, инвентарь, одежда, обувь обслуживающего персонала, транспортные средства и т. д., на которых возбудитель болезни способен сохраняться длительное время.

Ньюкаслская болезнь чаще встречается в ассоциации с некоторыми бактериальными инфекциями, такими как колибактериоз и паразитарными инвазиями, как кокцидиоз.

При освобождении цехов от птицы, при тщательной механической очистке от мусора, при проведении дезинфекции, дезинсекции и дератизации, при проведении обжига полов, при проверке лабораторного качества проведённых профилактических мероприятий можно избежать таких, вирусных, бактериальных и паразитарных заболеваний, которые примешиваются в процессе выращивания к вирусным инфекциям, таким как болезнь Марек, колибактериоз, микоплазмоз, кокцидиоз.

Если и дальше будем поддерживать в цехе нормальный воздухообмен, температуру не выше +18 - +20° при

проведении дезинфекции воздушной среды в присутствии птиц, мы сможем избежать этих инфекций в процессе выращивания.

Но если эти мероприятия будут проводиться вынуждено (от случая к случаю), тогда станут возникать вспышки респираторных болезней. При вскрытии обнаруживают аэросаккулиты, пневмонии в таких группах, где редко вакцинируют, где повышается отход, клиника и патанатомия типичная для ассоциированного микоплазмоза и единичные точечные кровоизлияния в слизистой желудка и во всех этих группах можно выделить вирус Ньюкаслской болезни.

У молодняка при вскрытии часто можно встретить кокцидиоз и Ньюкаслскую болезнь, колибактериоз, как вторичные инфекции.

Это говорит о том, что в неблагополучных по респираторным заболеваниям стадах птиц возможна циркуляция эпизоотического вируса Ньюкаслской болезни. Однако при достаточно напряжённом иммунитете против Ньюкасла, это заболевание остаётся незамеченным.

При низком иммунном фоне при Ньюкаслской болезни, где респираторные болезни имеют широкое распространение (микоплазмоз, ИЛТ), вспышки Ньюкаслской болезни сопровождаются большими потерями поголовья, хотя у кур заболевание может протекать атипично, этим обостряя микоплазмоз, что затрудняет диагностику Ньюкаслской болезни.

Для предотвращения больших экономических потерь, первоочередной задачей следует считать оздоровление таких стад от респираторного микоплазмоза, чётко соблюдать контроль за вакцинопрофилактикой и эпизоотической ситуацией по Ньюкаслской болезни.

С целью профилактики ассоциированных смешанных инфекций необходимо не пренебрегать и общими мероприятиями. Следует иметь своё родительское стадо, чтобы получать здоровый молодняк (инкубационное яйцо).

Родительское стадо надо содержать в требуемых условиях: температурный режим, влажность, хороший воздухообмен (микроклимат), рацион в витаминно-минерально-белковом отношении должен соответствовать нормам, тогда можно получить хорошее инкубационное яйцо.

А.Р. Вахабова,
ведущий ветврач отдела вирусологии и
эпизоотологии Республиканской
ветеринарной лаборатории по болезням птиц